



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№3 (85) 16.01.2020 йил

Эхтиром - 2020

Элда азиз бўлмоқ бахти



Дарҳақиқат, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан ўз касбига садоқати, фидойилиги билан эл назарига тушган устоз санъаткорлар, маданиятимиз жонкуярларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий маданиятимиз, санъатимиз ривожини йўлидаги заҳматли меҳнатлари муносиб рағбат топиб, шарафга, эъзозу эҳтиромга сазовор бўлмоқда. 11 январь куни пойтахтдаги “Осиё Гранд” тантаналар уйига йиғилганлар шундай шуқулли онларнинг гувоҳи бўлишди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маданият, санъат ва ижодиёт соҳасидаги “Эхтиром” мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросимини ўтказиш тўғрисида”ги мажлис баёни ижроси доирасида Маданият вазирлиги томонидан фидойиларга “Эхтиром” мукофоти топширилди. Маросимда Ўзбекистон Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев 2019 йил давомида маданият ва санъат соҳасида олиб борилган оламшумул

мул воқеалар, юқори савияда ўтказилган халқаро фестиваллар, дўстона маданий алоқалар ҳақида сўзлаб, ушбу юксалишларда ўз ўрни, муносиб хизмати бор маданият ва санъат ходимларига миннатдорчилик билдирди. Мукофот “Театр, кино ва оммавий томошалар”, “Анаънавий эстрада, опера хонандалиги, мусиқа ижрочилиги ва рақс санъати”, “Тасвирий ва амалий санъат”, “Бадий ижод, журналистика ва телевидение”, “Эътибор, эхтиром, эъзоз” каби бешта йўналиш бўйича 29 та номинация ғолибларига топширилди.

Тақдирланганлар орасида “Иил раққосаси” номинацияси ғолиби, Хоразм вилояти филармонияси раққосаси Дилноза Ортиқова ҳам бор.

— Санъатимиз ва маданиятимиз даргалари, устозларимиз қаторида менга ҳам ушбу нуфузли мукофот насиб этганидан гоят мамнунман, — дейди у. — Ўтган 2019 йилда, дарҳақиқат, соҳамизда улкан воқеалар рўй берди. Қатор-қатор

халқаро фестиваллар халқимиз маданиятини дунёларга кўз-кўз қилди. Айниқса, рақс санъатига бўлган алоҳида эътибор, хусусан, Хоразм дурдоналаридан бири “Лазги”нинг ЮНЕСКО рўйхатига олингани биз рақс шайдолари учун улкан воқеа бўлди. Бугунги “Эхтиром” эса, Ўзбекистонимизда адабиёт, санъат ва маданиятнинг, хусусан, рақс санъатининг нечоғли кадрланаётганидан дарак. Бундан буён ҳам шундай эътибору эъзозга муносиб хизмат қилишга ҳаракат қиламан.

— Хозирги давр ёшларига ҳавас қиламан ва шу кунларга етказганига шукроналар келтираман, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова. — Санъаткор учун ватан ардоғи, эл-юрт хурмати, юртбошимиз эхтиромидан ортиқ бахт бўлмас керак. Ёшларимиз ҳар қанча гайрат, шижоат, касбига садоқат билан ишласа арзийдиган давр келди. Бу имкониятлардан унумли фойдаланган ёшларга албатта бахт куши қулиб боқайди. Сайёра РИХСИЕВА

Ушбу сонда

Қалбларда мангу яшаётган ўзбек қизи



8-саҳифада

Балиқли кўл



7-саҳифада

Ватан ҳимояси — олий бурч



5-саҳифада



Долзарб мавзу

Бахшилик ва дostonчилик тараққиёт босқичида

Халқимизнинг юрак-юрагига сингиб кетган, туғма истеъдод соҳиблари томонидан яратилган, авлоддан авлодга ўтиб, сайқаланиб, янада бойитилиб келинаётган бахшилик ва дostonчилик санъати ўзбек оиласининг маънавияти, самимияти, бадий-руҳий салоҳиятини намоён этувчи ёрқин кўзгудир. Давр қийинчиликларини энгиб, ўзининг гўзал шакллари, содда ва теран мазмуни, кенг қамровли моҳияти билан бизгача етиб келган ушбу қадимий санъат тури халқ бадий ижодиётининг энг семимли, энг жозибали, ардоқли ва гўзал жанридир. Ўзининг умрбоқийлиги, тарбиявийлиги, халқ дилига жуда яқинлиги билан санъатнинг бошқа турларидан ажралиб турувчи бахшилик санъати миллатимизнинг турмуш тарзини, дунёқарашини юксак бадий ифода эттирадиган азалий кадриятдир. Аждодларимиздан қолган бу

улкан мерос миллат қалбига эзгуният ва улуг мақсадларга интилиш, она ватанга муҳаббат ва эътиқод туйғуларини янада кучайтиради.

Мамлакатимизда дoston куйлаш анъанаси қадимда уч йўналишида ривожланган. Биринчиси — Булунгур, Қўрғон, Шаҳрисабз, Камай, Нарпай, Шеробод, Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбек-лақай дostonчилик мактабларида дўмбира чертиб, якка ҳолда бўғиз овоз билан ижро этилган. Иккинчиси — Хоразмда тор, дутор, гижжак, гармон, буламон, қўшна, доира жўрлигида баъзан якка, баъзан жуфт ҳолда, очик овоз билан ижро этилган. Учинчиси — Фарғона водийсида дутор жўрлигида очик овозда айtilган. Афсуски, ушбу мактабларнинг айримлари ўз фаолиятини тўхтатган, яна бирлари йўқолиб кетиш арафасида турган бир пайтда давлатимиз раҳбари ташаббуси

билан Термиз шаҳрида бахшилар мактаби ташкил этилди. Бундан кўзланган асосий мақсад истеъдодли ёшларни кашф этиш ва тарбиялаш, навқирон авлодни халқ оғзаки ижодининг ноёб ва бой хазинаси билан яқиндан таништириш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.

Аввало, бахшилар ижроларини аудио, видео тасмаларга ёзиб олиш, китоб ҳолига келтириш, шу дostonлардан имкон даражасида фильмлар яратиш, бахшичилик ва дostonчилик санъатининг ҳудудлардаги фаолиятини ўрганиш борасида илмий экспедициялар ташкил этиш ҳамда дostonларни фундаментал илмий тадқиқ этиш ишларини янада кучайтириб, жойларда аввал мавжуд бўлган бахшичилик мактабларини қайта тиклаш чораларини кўриш лозим.

Давоми 2-саҳифада

Донлар сўзлайди...

Ватанини буюклиги, катталиги учун севишмайди, уни ўзининг ватани бўлганлиги учун севишади.

(Сенека)

“Бу дунёда эр йигитнинг энг буюк, эзгу ва муқаддас вазифаси, аввало, ўз оиласи, Ватани ҳамда халқини муносиб ҳимоя қилишдан иборатдир”.

Алишер Навоий

Келажақ истиқболлари

Салоҳиятли ёшлар – миллат таянчи!



Иқтидорли ва интеллектуал салоҳиятли ёшлар – миллат таянчи! Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизими 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ, олий таълимдан кейинги таълим таянч докторанту-


ра (PhD) ва мустақил изланувчилик (PhD) бўйича докторантлар илмий тадқиқотларини юқори савияда олиб боришмоқда.

Хозирда муассасада 8 нафар таянч (PhD), 24 та мустақил изланувчи (PhD) докторантлар таълим олишади. Шаҳноза Собирова (илмий раҳбари, доцент Антонина Кошелева), Акбар Атамұхаммедов (илмий раҳбари, про-

фессор Бахтиёр Сайфуллаев), Шерзод Хусанов (илмий раҳбари, профессор Олтиной Тожибова), Робия Турсунметова (илмий раҳбари, доцент Сабоҳат Хайтматова) каби изланувчан ёшлар семинар ҳимояларига қизгин тайёрларлик кўришмоқда.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Матбуот хизмати


Маданий мерос



8,5 миллион АҚШ доллрига таъмирланган мадраса ва масжид

Хоразм вилоятидаги “Амир Тўра” мадрасаси ва “Ҳасан Мурад қушбеги” масжиди маданий мерос объектларида таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бориш учун 2016 йил Хитой тижорат Вазирлиги томонидан лойиҳа смета хужжатлари тайёрланди.

2017 йилда мазкур объектларнинг пойдевор қисмлари мустақамланиб, деворлари чўкиши натижасида ҳосил бўлган ёриқлар бартараф этилди. Шунингдек, том қисми ва гумбазлари таъмирланди.



2018 йилда эса мадраса ва масжиднинг ички ҳамда ташқи деворлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Хоналарнинг асл ҳолати сақлаб қолинган ҳолда деворлардаги ганч сувоқ ва пол тўшамалари таъмирланди. “Ҳасан Мурад қушбеги” масжиднинг пештоқ қисми ҳам ганч сувоқ қилиниб, ички қисмидаги ёғоч устунларга ишлов берилди.

2019 йилда обидалар атрофи ободонлаштирилиб, ташқи деворларида таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилди. «Амир Тўра» мадрасасидан Боғча дарвозасигача бўлган йўлакларга оҳақ тош (извесняк)дан пол тўшамалари ётқизилди. Таъмирлаш ишлари 2019 йилнинг декабрь ойида якунига етказилди. 2020 йилнинг март ойида бинони топшириш кўзда тутилган. Иккала объектга Маданият вазирлигига ажратилган грант ҳисобидан жами 8,5 миллион АҚШ доллари сарфланди.

Хоразм вилояти Туризмни ривожлантириш департаменти матбуот хизмати томонидан «Daryo.uz» сайтига берилган маълумотларга Маданият вазирлиги Ахборот хизмати аниқлик киритмоқда.

Юртимиз кўрки ҳисобланадиган маданий мерос объектларимизда, ижтимоий сайтда келтирилганидек, қайта таъмирлаш (реконструкция) ишлари олиб борилмайди, аксинча таъмирлаш (реставрация) ва консервация ишлари қилинади.

Ҳарбий фестиваль

«Ватанга – қалқонмиз, тинчликка – посбон»

Фаргона вилояти Кува туман марказий ўйингоҳида Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил топганлигининг 28 йиллиги ҳамда «14 январь – Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан туман ҳокимлиги, Мудофаа ишлари, Маданият бўлими, “Ватанпарвар” ташкилоти, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар бўлимлари, Чегара қўшинлари ҳарбий қисми, Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 13-19-болалар мусиқа ва санъат мактаблари, «Кува ҳаёти» газетаси таҳририяти, туманда ягона ҳисобланган «Баркамол авлод» болалар маркази ҳамкорлигида «Ватанга – қалқонмиз, тинчликка – посбон» шиори остида ҳарбий ватанпарварлик фестивали ўтказилди.

Кечани туман ҳокими Р.Х. Қурбонов очиб, Ватан шаънини ҳимоя қилиш, бетакрор ўзбек диёрини кўз қорачигидек асраш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг муқаддас бурчи эканини таъкидлади. Шунингдек, барча иштирокчиларни «14 январь – Ватан ҳимоячилари куни» билан қизгин муборакбод этди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Кейин майдонга Фаргона ҳарбий горнизони, Маданият ва маърифат маркази ҳарбий оркестри кириб келди. Улар томонидан байрамона куйлар янгради, ҳарбий ор-



кестр хонандаларининг мустақиллик, миллий армиямиз ҳақидаги қўшиқлари ижро этилди.

Ёш умидли хонанда Қувончбек Зокиржонов ижросидаги «Хўп ажойиб юртимиз бор...» қўшиғи янграганда ўйингоҳ тумандаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчилари билан тўлди. Улар спортнинг турли йўналишларида ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Фестивалда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг ҳарбийча рақслари, Акбаробода ташкил этилган «Темурийлар авлоди» ўқувчи-ёшлари, 8-умумтаълим



мактаби қошидаги ҳарбий ёшлар жамоаси, туман маданият марказида фаолият олиб бораётган «Анор» ашула ва рақс халқ ансамбли бадий жамоаларининг ранг-баранг дастурлари, дилтортар рақслари барчага завқ-шавқ бағишлади.

Қурбонали Жўраев, Ёшлар ва маданий-маърифий ишлар бўйича мутахассис

Давоми. Боши 1-саҳифада

Бахшилик ва дostonчилик тараққиёт босқичида



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Термиз шаҳрида ташкил этилган бахшилар мактаби негизида жорий йилда Бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган Республика мактаб-интернати ташкил этилади. 2020-2021 йилларда ҳудудлардаги иқтидорли ёшларни танлов асосида саралаб, уларни ушбу мактаб интернатида ўқитиш йўлга қўйилади. Келгусида амалга ошириладиган муҳим вазифалардан бири ҳудудларда фаолият кўрсатаётган болалар мусиқа ва санъат мактабларида дostonчилик ва бахшичилик санъати йўналишларини таълим дастурларига киритиш, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида до-

стончилик ва бахшичилик санъати мутахассислиги бўйича махсус бакалавр ҳамда магистратура таълим йўналишларини ташкил этиш зарур.

XX аср ўрталарида ижод этган Пўлкан шоир 76 та, Фозил Йўлдош ўғли 60 та, Эргаш Жуманбулбул ўғли 50 та, Мардонакул Авлиёқул ўғли 43 та, Юсуф Ўтаган ўғли 31 та, Бола бахши 20 та дostonчи, 60 – 70 йилларда ижод қилган Қодир бахши Раҳимов 67 та, Тош шоир 20 та, Сайидмурод Паноҳ ўғли 17 та дostonчи ёдан билишган. Шунинг учун ҳозирги ёшларни замонавий услуллар асосида дostonларни ёд олишга ўргатиш ҳамда бугуннинг талабидан ке-

либ чиққан ҳолда бахшилик санъати ва дostonларимизнинг махсус веб сайт ва мобил иловасини яратиб, унга дostonлар матни, бахши ижролари аудиоларини, шунингдек, юртимизда фаолият олиб бораётган бахшилар тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш, уларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда тарғиб этиб бориш миллий маданиятимиизнинг янада юксалишига хизмат қилади.

Азамат Ҳайдаров, Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори, профессор

Шарафли бурч

Мардлик ва жасорат



Президентимиз фармойишига кўра, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга бағишланган ватанпарварлик ойлигини 2019 йил 15 декабрдан 2020 йил 15 январга қадар ташкиллаштириш бўйича тadbирлар Дастури тасдиқланди. Унда Ватан ҳимоячилари кунини кенг

нишонланишини таъминлаш давлат ва жамоат ташкилотларининг биринчи навбатдаги вазифаларидан бири экани ва ҳар бир фуқаро бунини шарафли бурчлигини англаб етиши кўрсатиб ўтилган.

Сурхондарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ҳам байрам тadbирларини “Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!” шиори остида юксак савияда амалга ошириш, “Мардлик

ва жасорат” мавзуйида дарслар ўтказиш мақсадида 7 январь кунини ушбу муҳим сана муносабати билан “Ватанпарвар” ташкилоти ҳарбий хизматчилари ҳамкорлигида кеча ташкиллаштирди.

Ҳарбий хизматчиларни бўлим муdiri С.Каримова ва бошқалар чин дилдан кутлаб, аждодларимиздан қолган экспонатлар, асори-атиқалар билан таъинштирди.

Жонли табиат

Музей экспонатига айланган Турон йўлбарси

Қорақалпоғистон тарихи ва маданияти давлат музейининг табиат бўлими кўргазмасида жонажон ўлкамизнинг гўзал табиати ва унинг ўзига хос жиҳатлари, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси, шунингдек, қазилма бойликлари ўз кўринишини топган.

Республикаимиз қадимда Турон текислиги деб аталиб, бир неча миллион йилларни ўз ичига оладиган узоқ тарихга бориб тақалади ва унинг ҳайвонот олами ҳам жуда қадимий. Кўпчилиги шу ўлкада, айримлари эса бошқа ерлардан келиб қолган. Шунинг учун ҳам ўлкамиз ҳайвонот олами жуда ўзгача, яъни биологик хилма-хилликка эга. Кўпайиши ва тарқалишида республикаимизнинг кенг худудлари, айниқса, Устюрт текислиги, Қизилқум саҳроси ва Амударё атрофидаги қалин ўрмонзорлар катта имкониятлар яратиб келган. Дарҳақиқат, сўнгги йиллардаги экологик муаммолар туфайли бизнинг фаунаимизда катта ўзгаришлар юз бериб, кўп ҳайвонот турлари сони камайиб, айримлари бутунлай йўқ

бўлиб кетмоқда. Биз бунга мисол тариқасида Турон йўлбарсини келтириб ўтамыз.

Турон йўлбарси XX аср бошларида, яъни 1940 йилларгача Қорақалпоғистонда кенг тарқалган ҳайвонлардан бири. Сабаби бу даврларда Амударё ва бошқа кўллаб каналлар бўйида қалин ва баланд бўлиб ўсган қамишзор ўрмонлар, шунингдек, улар ичида яшовчи ёввойи ҳайвонлар, қўшлар ва кўллардаги мўл-кўл баллиқлар катта шароит яратиб берган.

Турон йўлбарси ўз наслдошлари, яъни Амур ва Ҳинд йўлбарсларидан ўз табиати, юриш-туриши ва турбати билан анча фарқ қилади. Масалан, унинг табиатига хос фазилатларидан бири, ҳеч қачон одамга биринчи бўлиб ҳужум қилмайди, фақат яраланса ёки қувғинга учрасагина ташланади. Шу боис улар одамлар яшайдиган жойларга яқин атрофдаги ўрмонларда узоқ йиллар мобайнида яшаб келган. Яна бир қизиқarli жиҳати – сувда яши суза олади ва овга кечкурун чиқади. Асо-

сий ўлжаси: ёввойи чўчқа, кийик, қуён-қирғовуллар бўлиб, ўлжасига сездирмасдан, жуда эҳтиёткорлик билан ташланган. Турон йўлбарси жуда оз сонда, иккита, кам ҳолларда тўрттагача болалаган. Туғилган пайтда болаларининг катталиги кучукдай келиб, улар тез ўсган ва олти ойгача она сути билан озукаланган. Фаунаимизда Турон йўлбарсининг бутунлай йўқ бўлиб кетишига, яшаш жойлари, яъни ўрмонларнинг кескин қисқариб кетиши, озук базасининг камайиши ва 12 йилда бир жуда кам сонда болалаши асосий сабаблардан бўлган. Турон йўлбарси Халқаро табиатини муҳофаза қилиш бирлашмасининг Қизил тизимига ва Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган.


Музей кўргазмасидан ўрин эгаллаган бебаҳо экспонатимиз, яъни энг сўнгги Турон йўлбарси музейимизга 1980 йилда олиб ке-



линг ва у тўрт йил давомида ленинградлик таксидермист М.Заславский томонидан қайта ишланган. Кўргазмадаги бу бебаҳо, яъни табиатимиз султони бўлган Турон йўлбарсига назар солар эканмиз, у биз одамларга табиат кўйнидаги ҳар бир жонли жонворларни асраб-авайлаш ва уларни кўриқлаш зарурлигини эслатиб тургандай туюлади. Шу боис у барча томошабинларни, асосан чет эллик сайёҳларни ўзига жалб этиб, диққат-эътиборини тортади. Хулоса қилиб айтсак, табиатимизнинг шундай ноёб мавжудотларини асраб-авайлаш ва келажак авлодларга етказиш бизнинг бурчимиз ва вазифамиздир.

Зоя Ешанова, Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи ходими

Эхтиром – 2020



Маданият, санъат ва ижодиёт соҳасидаги “Эхтиром” мукофоти совриндорлари:



Т/Р	Номинация номи	Номзодлар
1. Театр, кино ва оммавий томошалар		
1.	“Йил спектакли”	“Минувшие дни”, Самарқанд вилояти рус драма театри
2.	“Йил актрисаси”	Нигина Анорбоева Шорахмедовна, Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси
3.	“Йил актёри”	Ийүдошев Алишер Хайитович, “Ўзбеккино” миллий агентлиги ходими
4.	“Йил режиссёри”	Эркинов Музаффархон Эркин ўғли, Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси аъзоси, режиссёр
5.	“Йил сценографи”	Аралов Эркин Холмуратович, Ўзбекистон давлат сатира театри бош расмони
6.	“Йил санъатшуноси”	Махмудов Жўрабой Обидович, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори
7.	“Йил балет артисти”	Юсупова Мадина Эркин қизи, А.Навойи номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри балет артисти
2. Эстрада ва анъанавий, опера хонандалиги, мусика ижрочилиги ва рақс санъати		
8.	“Йил анъанавий кўшиқчиси”	Солижонов Хушнуджон Хуршид ўғли, Ю.Ражабий номидаги мақом ансамбли хонандаси
9.	“Йил опера ижрочиси”	Норматова Малика Раҳимовна, А.Навойи номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера хонандаси
10.	“Йил эстрада хонандаси”	Рустамова Дилафруз Исмоилжон қизи (Афруза), “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси
11.	“Йил созандаси”	Абдурашидов Абдулахад, Ўзбекистон Халқ артисти
12.	“Йил бадий жамоаси”	Қабдурахманов Алибек Асатуллаевич, Ўзбекистон миллий симфоник оркестри, Ўзбекистон давлат филармонияси дирижёри –
13.	“Йил бастакори”	Эркаев Нурали Икромжон ўғли, Ўзбекистон давлат консерваторияси ўқитувчиси, ёш композитор
14.	“Йил балетмейстери”	Андрис Лиена Марисович, А.Навойи номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри бош балетмейстери
15.	“Йил раққосаси”	Ортиқова Дилноза Илҳомбоевна, Хоразм вилояти филармонияси раққосаси
16.	“Йил фольклор жамоаси”	Ақбаров Ақбархон Комилович, Фарғона вилояти, Марғилон шаҳар, “Чодир жамол” фольклор жамоаси раҳбари

Т/Р	Номинация номи	Номзодлар
3. Тасвирий ва амалий санъат		
17.	“Тасвирий санъат жонкуяри”	Мамажонов Анвар Алимжанович, Республика рассомлик коллежи ўқитувчиси
18.	“Йил музейи ходими”	Сычева Валентина Егоровна, Қорақалпоғистон Республикаси И.В.Савицкий номидаги давлат санъат музейи бош муҳофизси
19.	“Йил маданият маркази”	Ражабова Нурхон Аслоновна, Навоий вилояти, Қизилтепа тумани маданият маркази директори
20.	“Йил кутубхоначиси”	Ўроқов Аъзам Асқарович, Бухоро вилояти кўзи оқизлар кутубхонаси директори
4. Бадий ижод, журналистика ва телевидение		
21.	“Йил адаби”	Дўстмухаммедов Хуршид Набиевич, эркин ижодкор
22.	“Маданият соҳасининг фаол оммавий ахборот ходими”	Раҳимхўжаева Шаҳноза Ақбаралиевна, “Маҳалла” газетаси муҳбири
23.	“Йил телерадиожурналисти”	Бўриева Хулқар Тўрақулловна, “O‘zbekiston 24” телеканали Фан, таълим ва маданият бўлимининг биринчи тоифали муҳаррири
24.	“Йилнинг энг фаол ижтимоий тармоғи”	Қосимов Зафар, Xabar.uz – муҳбири
5. Эътибор, эхтиром, эъзоз		
25.	“Саҳнаимиз фариштаси” (маликаси)	Юсупова Тўти, Ўзбек Миллий академик драма театри етакчи саҳна устаси
26.	“Классик асардаги энг яхши роль ижрочиси”	Бердиев Илҳомбек Юлдашевич, Ўзбекистон давлат драма театри актёри
27.	“Ўзбек санъати фидойиси”	Зокирова Гавҳар Акмаловна, Ўзбек Миллий академик драма театри етакчи саҳна устаси
28.	“Ташаббускор ҳудудий бошқарма бош-лиғи”	Фахрадов Камол Жамолович, Жиззах вилояти маданият бошқармаси бошлиғи
29.	“Моддий маданий мерос жонкуяри”	Маматқулова Шохиста Анваровна, Сурхондарё вилоят маданий мерос бошқармаси бошлиғи

Ватанга мухаббат – бурча садоқат

Миллий армиямиз – ғуруримиз, фахримиз



Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Чирчиқ шаҳридаги қисмларидан бири “Миллий армиямиз – ғуруримиз, фахримиз” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Ўзбекистон Қуролли кучларининг 28 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон ФА Темирийлар тарихи давлат музейи, Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди Тошкент вилоят муассасаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда ҳарбийларимиз ёзувчи, тарихчи олимларнинг

соҳибқирон бобомизнинг инсоний фазилавлари, буюк саркардалик маҳорати ҳақида сўзлаб беришди. Урашув давомида сўз устаси, республика қизқичлар танлови ғолиби Худойберди Зиёдов ҳамда Чирчиқ шаҳар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларининг чиқишларини аскарларимиз мароқ билан тинглаб, томоша қилишди.

– Буюк саркарда Амир Темур бобомизнинг давлатчилик борасидаги куч-қудрати, маҳорати, унинг “Темур тузуқлари” китоби

бу дунё мамлакатлари давлат бошқарувида қўлланма сифатида фойдаланилган, – дейди тадбир ташкилотчиларидан бири М.Шоюсупова. – Амир Темур ҳақидаги китобларни ёш Ватан ҳимоячиларига тақдим этар эканман, улар кўзида она-юртга мухаббат, бурча садоқат туйғуларининг ёрқин ифодасини кўрдим. Демак, тарихий, дунёвий билимга чанқоқ ёш аскарларимиз билан бу каби тадбирларни тез-тез ташкил этишимиз зарур деб ўйлайман.

Семинар

Жонли концерт

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирининг 2018 йил 5 ноябрдаги буйруғи ҳамда Тошкент вилояти маданият бошқармаси тасарруфидаги БМСМлар директорларининг 2019-2020 ўқув йили учун тасдиқланган иш режаси ижросини таъминлаш мақсадида 8 январь куни Чирчиқ шаҳар 3-БМСМ директори ҳамда Эстрада хонандалиги синфи ўқитувчиси Ахрорбек Улуғбеков ва Академик хонандалик бўлими бошлиғи Алла Югай раҳбарлигида “Машқлар орқали қўшиқчилик санъатини ривожлантириш” мавзусида ўқув-амалий семинари ўтказилди. Унда вилоят Маданият бошқармаси тасарруфидаги барча болалар мусиқа ва санъат мактабларининг академик ва эстрада хонандалик синфи ўқитувчилари тингловчи сифатида иштирок этишди.



Семинар бошида академик ва эстрада қўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш, ёш истеъодларга кенг йўл очиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ниятида вазирлик тизимида “Вокал ва чолгу ансамблири”, “Оҳанг сеҳри”, “Академик ва эстрада ижрочилиги” каби республика танловлари ташкил этилаётгани ташкилотчилар томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, 3-БМСМ раҳбари ва эстрада хонандалиги ўқитувчиси А.Улуғбеков республика ва халқаро танловлар лауреати бўлган ўқувчилари Далер Бегматов ва Бехруз Юнусовлар билан бирга қизиқарли, янги интерактив усуллардан фойдаланган ҳолда маҳорат дarsi ўтиб, семинар сўнгида жонли концерт дастурини ҳам намойиш этишди. Халқ таълими аълочили Алла Югай эса академик хонандалик йўналишида болаларда нафас, овоз соझлаш усуллари ва машқлар жуда катта аҳамиятга эга эканини айтиб, қизиқарли овоз машқлари жамланган маълумотларни ўқитувчиларга фойдаланиш учун тарқатди. Тадбир якунида ўқитувчилар юқори савияда ташкил этилган семинар учун Чирчиқ шаҳар 3-БМСМ маъмуриятига ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Шарафли бурч

Она юрт таянчлари



Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ташкил топганига 28 йил тўлиши ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб 13 январьда Фориш туманидаги 18-болалар мусиқа ва санъат мактабидан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими А.Мустанов сўзга чиқиб, йиғилганларни байрам билан муборакбод этди. Тадбир давомида тинчлигимиз ва хавфсизлигимизни таъминлашда садоқат билан хизмат қилаётган туман ҳудудидagi ҳарбийлар ва туман ИИБ, прокуратура, ДХХ ходимлари, ҳокимлик вакилларига фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари топширилди. Кеча муносабати билан туман маданият бўлимининг байрам концерт дастури намойиш этилди. Шунингдек, фахрий байналминал жангчилар, ҳарбийлар ҳамда ҳуқуқ-тарғибот органлари ходимлари учун байрам дастурхони ҳам ташкил этилди.

Ш.Кўнишев, бўлим бош мутахассиси

Этибор ва рағбат



Кўнгилга қувват

Инсоният яралибдики, этиборга, меҳрга эҳтиёж сезади. Шу меҳр-мухаббат туфайли униб-ўсади, ҳаётни, яшаш завқини ҳис этади ва ала-оқибат эзгу ишларга ўзида куч-қувват ва рағбат сезади. Халқимиз, айниқса, сўнги йилларда шундай улуг инсонпарварлик, бағрикенгликлардан баҳраманд, ҳаётдан рози бўлиб яшаб имкониятларидан мамнун. Ҳар бир соҳага доир улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари нафақат ўзбекистонликлар, балки хорижийлик дўст-ёрларнинг ҳам ҳавасини келтирмоқда. Хусусан, маданият, санъат ва адабиёт аҳли учун кўтаринкилик, сермахсуллик бахш этган сўнги йиллар тарих зарварақларида мангу муҳрланиш ҳам айни ҳақиқат. Фидойиларга аталган мукофоту унвонлар устозу шоғирларга, ижодкор ёшларга гўёки қанот бағишламоқда. Утган 2019 йилда давлатимиз раҳбари томонидан “Маданият ва санъат фидокори” кўкрак нишонининг таъсис этилгани соҳа ходимлари учун яна бир рағбат булди. Маданият вазирлиги томонидан янги йил арафасида ўтказилган тақдирлаш маросимида узрли сабаблар билан қатнашолмаган номзодларимизга ушбу кўкрак нишони ва пул мукофотлари топширилмоқда. Жумладан, маданиятимиз фидокорларидан яна бири 94 ёшли Роҳиба Раҳимовадир. Вазирлик ходимлари аянинг хонадони

га кириб борганларида қувонганидан кўзларига ёш олди.

– Маданият соҳасида 75 йил фаолият олиб бордим, – дейди Р.Раҳимова. – Ҳатто совуқ уруш йилларини ҳам кўрдим. Урушдан келгач, ўқиб, Муқимий театрида солист бўлиб ишладим. Санъатга бўлган меҳрим мени урушнинг битмас жараҳатларидан қутқарди гўё. Мен Лутфиқоним Саримсоқова, Раззоқ Ҳамроев, Сора Эшонтўраева, Саодат Қобулова каби санъатимиз дарғалари билан ҳамкор, ҳамфикр бўлиб ишлаганимдан фахрланаман. Кейинчалик “Баҳор” ансамблининг либосларини тикадиган цех бошлиғи бўлдим. Қизим Зухраҳон ҳам “Баҳор”да хисобчи бўлиб ишлади. Лекин рақсни севиб ижро этади. Ҳозир у ҳам фахрли дам олишда. Турсуной қизим эса иқтисодчи. Доим мента парвона қизларим бугун маданият вазирлигининг этиборидан жуда хурсанд бўлишди. Мен ҳам таширфингиздан миннатдорман.

Нишондорларимиздан яна бири таниқли ёзувчи, драматург ва жамоат арбоби Абдуқаҳҳор Иброҳимовдир. Унинг қарийб 50 йиллик ижодий фаолияти ҳақида жуда кўп ва хўп ёзиш мумкин. Адибнинг драматургия соҳасидаги сермахсул ижоди ҳали-ҳамон театр-шунослар этиборида. “Арра”, “Бу залдан ўслони”, “Сочки”, “Тусом”, “Мени айтди деманг” каби бир неча ўнлаб асарлари нафақат Ўзбекистонда, бал-



ки ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам саҳналаштирилган. Қатор-қатор публицистик мақолаларида адабиёт, санъат ва маданиятимизни ривожлантириш зарурлиги ҳақидаги орзулари акс этган. 74 ёшли ижодкорнинг яқинда чоп этилган “Бизким, ўзбеклар...” китобининг номланишиёқ ҳақиқий фидоий инсоннинг қалб тугўнларидан дарак бериб турибди. Демак, “Маданият ва санъат фидокори” нишонининг ҳақиқий эгаларидан яна бири хонадонидagi урашув тафсилотларига ортиқча изоҳ бермасак ҳам бўлар, аммо вужуди бироз хаста, қалби эса ишлаш иштиёғидаги адибга ушбу нишоннинг топширилиши нафақат А.Иброҳимов, балки унинг оила аъзолари учун ҳам қувончли воқеа бўлганини таъкидлаш жоиз. Қутлимга таширфдан боши кўкка етган ижодкор яна келишимизни қайта-қайта тайинлади.

Ҳозирги кунда Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театрида фаолият олиб бораётган яна бир нишондоримиз бош саҳна устаси Шариф Орифжоновдир. Устоз санъаткорга ушбу нишонни топширишга борган вазирлик вакилларини театр жамоаси хушнудлик билан кутиб олишди. Бу қувончли воқеа муносабати билан Ш.Орифжоновга ўзбекиона тўн кийдирган театр директори Мирза Азизов фидоий устозларга эҳтиром келажак авлод тарбиясига мустаҳкам пойдевор бўлишини таъкидлади.

С. Рихсиева

Байрам сайли

Навоийда Президент мукофоти тантанали топширилди

14 январь куни Навоий шаҳридаги “Фарҳод” маданият саройи ҳамда марказий истироҳат боғида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда “Ватан ҳимоячилари кунини” муносабати билан байрам сайли бўлиб ўтди.

Маданият саройидаги асосий байрам тадбирида бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга Ватан равнақи, унинг осойишталигини таъминлаш йўлидаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг мукофотлари тантанали равишда топширилди.

Шунингдек, бир гуруҳ ҳарбийлар вилоят ҳокимининг дипломи ва эсдалик совгалари билан тақдирланди. Ватанпарварлик ойлиги доирасида ўтказилган ушбу байрам тадбири ва сайлида вилоят маданият бошқармаси тасарруфидаги ижодий жамоалар, Ўзбекистон давлат филармонияси Навоий вилоят бўлими, “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси вилоят бўлими, намунали “Мақом” ансамблининг маданият ва санъат вакиллари иштирок этишди.



Шодиёна

Харбийларга янги уй калитлари топширилди



Йил бошидаги қувончли ҳабар: Хива туманида 9203-ҳарбий қисм хизматчилари оилалари учун қурилган турар-жой биноларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят ҳамда туман ҳокимлари, ҳарбий бўлим командирлари ҳам қатнашиб, улар чегара пости хизматчилари

«Ватан ҳимоячилари кунини» билан самимий кутлашди. Шодиёнали кунда янги уй билан таъминланган ҳарбийларга хонадон калитлари топширилди. Кечанинг бадий қисмини туман маданият бўлими ходимлари ва «Хива» карнай-сурнай жамоаси кўтаринки руҳда ўтказишди.



Шараф



Ватан ҳимояси — олий бурч

Баъзи касбларга нисбатан шарафли, аммо машаққатли таърифни қўллаймиз. Шундай касблар борки, ҳатто жонни гаровга қўйишга тўғри келади. Булардан бири ватан ҳимоясига бел боғлаган ҳарбийлардир. Аслида ватанни қўриқлаш, юрт тупрогини кўз қорачигидек асраш — ҳар бир эр йигитнинг бурчи. Бунинг учун қайсидир соҳа вакили бўлиш шарт эмас. Лекин ҳарбийлар ватан ҳимоясига киришган профессионаллардир. «14 январь — ватан ҳимоячилари кунини» арафасида заҳирадаги подполковник Хайдарали Эргашев билан суҳбатлашдик.

— Ўзбекистон Республикаси Қуроли кучлари ташкил этилиши тарихи ҳақида гапириб берсангиз.

— Мустақилликнинг илк кунларидан Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан мудофаа салоҳиятини кучайтириш, аҳоли тинчлиги ва давлат суверенитетини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қуроли кучларини ташкил қилиш чоратадбирлари кўрилди. Кейинги масала эса чегара қўшинларини кучайтириш ва қуроли кучларини сифатли ходимлар билан таъминлаш эди. Чунки, собиқ иттифоқ даврида ҳарбий хизматдаги офицер ва сержантлар сони кам бўлган. Муддатли ҳарбий хизматда ҳам бизникилар асосан қурилиш батальонларига, хусусан, темир йўл қурилишига жўнатиладди. Десант, инженерлик, ракета артиллерия қисмларига ўзбек йигитлари деярли яқинлаштирилмаган. Мазкур муаммоларни бартараф этиш учун Тошкент давлат Қуроли кучлар академияси, Тошкент Олий қўмондонлик билим юрти, Самарқанддаги автомобилчилар тайёрлайдиган ҳарбий олий билим юрти, Чирчиқдаги Танкчилар муҳандислик билим юртига маҳаллий ёшларни қабул қилиш бошланди. Вақт ўтиши билан ҳарбий соҳада ҳам турли ислохотлар ўтказилди. Хусусан, республиканинг географик ва маҳаллий тузилишдан келиб чиқиб округлар тузилди. Ўзбекистон Республикаси Қуроли



ли кучлари ташкил этилгач, йигитларимиз Америка Қўшма Штатларида, Россия Федерациясида ҳарбий тайёргарлик ишларини олиб боришди. Улар МДХ давлатлари ўртасида ўтказилаётган анъанавий ҳарбий мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда. 2019 йил Жиззах вилоятидаги Фориш полигонидида бўлиб ўтган халқаро миқёсдаги ҳарбий беллашувларда эса йигитларимиз ўзларининг нималарга қодир эканликларини кўрсатиб қўйишди.

— Бугунги кунда ҳарбий хизматчиларга яратилаётган шароитлар қандай?

Қуроли кучларимиз ташкил этилганидан то ҳозирги кунга қадар ҳарбийларга яратилаётган шароитлар йил сайин яхшиланиб бормоқда. Улар учун бир қатор имтиёзлар берилган. Армиянинг профессионаллик даражаси оширилиб, ватан ҳимоячиларининг ҳам жисмонан, ҳам ақлан ривожланиши учун барча шароитлар етарли. Муддатли ҳарбий хизматчиларга Олий таълим муассасаларига кириш учун имтиёзлар ажратилган. Авваллари аскарлар йиллаб оила аъзоларидан йироқда юрарди. Эндиликда улар уй-жой, автомобиллар билан таъминланмоқда.

— Ҳарбий фаолиятингиздаги унутилмас лаҳзалар ҳақида суҳбатлашсангиз...

Узоқ йиллик фаолиятим давомида эса қоларли воқеалар жуда кўп бўлган. Шулардан энг қизиқарлиларини гапириб бераман. Илк бор парашютдан Фарғона вилоятидаги ҳарбий полигонда сакраганман. Кечаси ҳаммаёқ зимистон маҳал команда берилди. Биз буни кутмагандик. Сакраганимизда ер кўринмасди. Бир пайт оёғим нимагадир урилди, қарасам, манзилга етиб келибмиз (кулади).

Шундан сўнг бизни Каттақўрғондаги Қуроли кучларга қарашли ҳарбий полигонга Ўзбекистон миқёсидаги ўқув машғулотларига юборишди. Уша ерда парашютдан сакраб, шерикларим билан ўзбекча гаплашиб турсак, атрофимизни чўпонлар ўраб олишди. Маълум бўлишича, биз борган полигонда шу пайтгача бирорта ўзбек парашютчисини учратишмаган экан. Чўпонлар биздан ҳам кўпроқ хурсанд бўлди, десам адашмайман.

— Ёш ватан ҳимоячиларига тавсияларингиз борми?

Ёшларимиз нафақат ҳарбий, балки дунёвий билим соҳибни ҳам бўлиши керак. Компьютер технологияларини, хорижий тилларни пухта эгалламоғи зарур. Яна ватан ҳимоясисига учун энг зарур жиҳатлардан бири жисмоний тайёргарликдир.

Биз ватанпарварлик ҳақида жуда кўп гапирамиз. Инсон ватанпарвар бўлмоғи учун, аввало, ватан тушунчасини англаб етмоғи керак. Манавий етук бўлиш учун эса қалбни тарбияламоқ зарур. Чунки қалб ўзгарувчандир. Мустақкам қалб эгаси тўғри ўйлдан адашмайди.

Шу ўринда ота-оналарга ҳам бирикки оғиз маслаҳатим бор. Болага китоб ўқишни мажбурлаш ёки маълум бир масалаларда уни чеклаш орқали яхши тарбия бериб бўлмайди. Унга дўст тутишни ва ўрнат бўлиш керак. Демокриманки, китоб ўқимаган ота-онанинг фарзандини китоб ўқишга мажбурлаши мантқиқсизликдир.

Карим Зарипов суҳбатлашди.

Эълон

Магистратура босқичлари учун танлов

(Ғолибнинг контракти, турар жой ва суғурта харажатлари тўлаб берилади!)



МУҲИЛАТ: 30.01.2020 йил

Маданият вазирлиги ҳузурдаги Маданият ва санъатни ривожлантириш Жамғармаси Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртиларида тахсил олаётган талабалар учун грант дастурига қабул муддатини узайтирди. Дастур танлов асосида ўтказилади. Ғолиблар ўзлари танлаган олий ўқув юртиларида ўқиш учун грант соҳиб бўладилар.

Жорий йилда баъзи ўзгаришлар амалга киритилди. Унга кўра, дастурда Ўзбекистон Маданият Вазирлигига бўйсунувчи таълим муассасалари рўйхатига киритилмаган университет талабалари ҳам иштирок этиши мумкин. Шунингдек, улар магистратура таълимига грант олиш учун яхши имкониятга эга бўлишади. Дастур шартларига мувофиқ талабалар қуйидаги йўналишлар бўйича иштирок этишлари мумкин:

- Маданият ва санъат соҳасида менежмент
- Қайта тиклаш ва сақлаш
- Архитектура
- Маданий сайёҳлик
- График дизайни
- Тасвирий санъат
- Музейшунослик
- Танлов бўйича батафсил маълумотни grantlar.uz сайтидан олишингиз мумкин.

Кўргазма

Аскар мактуби



11 январда Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи ходимлари Ватан ҳимоячилари ва Ўзбекистон Қуроли кучлари кунини муносабати билан шимолий-ғарбий ҳарбий округида «Аскар мактуби» номли кўчма кўргазма ташкиллаштирди. Унда музей ходимлари томонидан олиб келинган ҳар бир экспонат тўғрисида маълумот бериб ўтилди. Кўргазма давомида аскарларга байрамона завқ улаштириш мақсадида музей ходимлари улар билан шахмат, шашка ўйнашди ҳамда аскарлар фарзандларига музей тўғрисида маълумотлар берилди. Улар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди. «Айқулаш» қорақалпоқ миллий фольклор ансамбли ашулачилари томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар қатнашчилар кайфиятини кўтарди.

Шийрин Пирназарова,
Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи ходими

Ватан – муқаддас

Уни ҳимоя қилиш шарафли бурч



13 январь куни Жиззах ихтисослаштирилган санъат мактабида шаҳарнинг Олмачи қўғонидagi ҳарбий қисм, Маданият маркази қошидаги "Бойчечак" болалар рақс жамоаси ва Шароф Рашидов тумани 25-умумтаълим мактабининг спорт тўғараги аъзолари ҳамкорлигида "14 январь – Ватан ҳимоячилари куни" ва Ўзбекистон Республикаси Қурулди кунлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги муносабати билан "Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир" шиори остида

маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Кечани парварлик руҳида тарбиялаш энг муҳим вазифалардан бири эканини таъкидлади. Шундан сўнг ҳарбий қисм капитани У.Абдуллаев барчани байрам билан кутлаб, жасур ва мард аждодларимизга муносаб авлод бўлишмишга чақирди. Мактаб хотин-қизлар қўмитаси раиси Г.Абдулаҳова ҳам сўз олиб, Ватан остонидан, инсон яшаб, нафас олиб турган тўшадан, унинг киндик қони

тўкилган хонадон тупроғидан бошланишини, шу боис унинг ҳар бир қарич ери муқаддаслиги, ёшларимиз мустақил юртимиз посбонлари эканини таъкидлади. Тадбир давомида ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан ватани улуғловчи куй-қўшиқ ҳамда рақслар ижро этилди. Шунингдек, мактаб ҳодимлари фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди. **Ж.Бекмуродов, Жиззах ихтисослаштирилган санъат мактаби "Актёрлик санъати ва халқ рақси" кафедраси ўқитувчиси**

Маданий мерос

Музейлар – ўтмиш ва келажак пойдевори

Навобий вилоти тарих ва ўлкашунослик музейи 1992 йил ташкил этилган бўлиб, ҳукумат қарорига кўра 2018 йил 1 январдан Навобий вилоти тарихи ва маданияти давлат музейига айлантирилди.

Мазкур маскан фаолияти асосан вилот, хусусан, Зарафшон воҳаси (Навобий вилоти ҳудуди) тарихи, унинг бебаҳо ва ноёб топилмалари, ўзига хос моддий ва номоддий маданий мероси бўйича экспозициялар яратиб, кенг оммага намойиш этишдан иборат. Шунингдек, бошқа ҳудудларда учрамайдиган, такрорланмас табиий, меъморий мажмуалар, санъат асари даражасида сақланган қоятош суратлари, тарихий маскан ва зиёратгоҳларни чуқур ўрганган ҳолда маҳаллий ва хорижий сайёҳларни ушбу мазмун манбаларидан баҳраманд этади.

Тарихий манбалардан маълумки, Зарафшон юртимизнинг кўҳна маданият ва маънавият бешикларидан бири. Ўтмишда Шарқ ва Ғарби бир-бири билан боғлаб келган "Буёқ йўли"нинг айнаси шу ҳудуддан ўтгани бу ерда савдо-сотик, ҳунармандчилик ҳамда бошқа соҳалар ривожланганидан дарак.

Музейда аждодларимиз кечмишини сақлаб келаятган, этник жиҳатдан ўз хусусиятига эга либослар, кийим-бошлар, маиший жиҳозлар халқ ҳунармандчилиги намуналари, қадимий қўлёзмалар, пуллар, кундалик рўзгор буюмлари ҳамда қадимий ва ноёб тарихий-археологик топилмалар мавжуд.

Навобий вилоти тарихи ва маданияти давлат музейи санъат, археология, тарих, этнография, табиат, мустиқлик, халқ амалий санъати ва тасвирий санъат каби 8 та бўлимдан иборат.

Табиат бўлими

Навобий вилоти ҳудуди жиҳатидан Қарақалпоғистон Республикасидан кейин иккинчи ўринда туради. Майдон 111,0 минг кв км. Хариладаги жойлашуви ҳам ўзига хос бўлиб, Ўзбекистоннинг марказий қисмида ўрнашган. Катта қисмини Қизилқум чўллари эгаллаган.

Ушбу бўлимнинг асосий мақсади кенг оммага, айниқса, ёш авлодга вилотнинг табиий бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тарғиб этиш, уларни Ватанга, унинг табиатига ҳурмат, муҳаббат руҳида тарбиялаш, атроф-муҳитни авайлаб-асраш, экомаданият борасида тушунча ва билимларини оширишдан иборат. Шу мақсадда бу бўлимда нафақат ўсимлик дунёси, балки ҳайвонот олами билан ҳам кенг таништирилади.

Баҳорда Қизилқум табиати ўзгача кўриниш кашф этиб, табиий гиёҳлар, ўт-ўланлар, ранг-баранг ўсимликлар – астрагал, шўра, шувок, исирик, қамиш, зарпечак, саксовул, юлгун ва бошқа номдаги чўл буталари билан безанади. Ҳудудда йил ўн икки ой чорва моллари оқилади. Қандин, черкез, сингрэн, оқ печак, селин, эфемир ва бошқа ўсимликлар чорва моллари учун озуқадири. Бўлимдан тулум шаклига келтирилган бури, тулки, ўрдак, гоз ҳамда илон сингари ҳайвонот экспозициялари ҳам жой олган.



Археология бўлими

У музейнинг асосий бўлимлардан бири бўлиб, энг ноёб экспонатлари билан қадрли.

Археологик ёдгорликлар халқларнинг турмуш тарзи, маданияти, қадрияти ва узок тарихидан дарак беради. Шу билан бирга ёш авлодни тарбиялаш, улар қалбида кўҳна тарих ва маданиятга ҳурмат-эҳтиром руҳини уйғотишда аҳамияти катта.

Жарақудуқ тош ўрмони Учқудуқ туманининг Мингбулоқ ботиғидан 30 км узокликда жойлашган. Тахминан 95-100 млн. йиллик тарихга эга. Геология ва минерология илмий-тадқиқот институти мутахассислари хорижий олимлар билан ҳамкорликда бу ҳудудда ўрганиш ишларини олиб боришди.

Улар бундан тахминан 100 млн. йил аввал Қизилқум саҳроси ўрнида Тетиз денгизи бўлганлиги, шунингдек, унга хос ер ости дунёси табиий бойликлари, соҳил ўрмони ва тўқайзорлар, бу ердаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тўғрисида кўплаб илмий асосларга эга бўлиши ва тошга айланиш сабаблари ҳам ўрганилди. Топилган тош ўрмоннинг айрим намуналари, яъни динозавр суяклари, балик тишлари, тут, саксовул ва нина баргли дарахт қолдиқлари, сув ости маржон қоялари



музейнинг археология бўлиmidан жой олди.

Вилотнинг Навбахор туманида жойлашган Сармишсой дараси ўн мингдан ортиқ етти минг йиллик ноёб қоятош суратлари ва ранг-баранг табиат бойликлари мажмуасидан иборат.

Сармишсой қоятош расмларига ёввойи ҳайвонларни овлаш, уларнинг ўзаро уруши, чорвачилик, рақс тушаётган одамлар, диний маросимлар билан боғлиқ манзаралар тасвирланган. Яна хонаки ва ёввойи ҳайвонлар, ўқ-ёй, ханжар, қилич, найза каби турли буюмлар ўзига хос тарзда юксак маҳорат билан ҳаётини қилиб ишланган.

Сармишсойнинг нодир битиклари шу ҳудудда яшаган қадимги аждодлар ҳаёти, ҳайвонот дунёси, тарихини ўрганишда муҳим археологик ёдгорлик сифатида қимматлидир.

Ўзбекистон фанлар академияси ҳузуридаги археология институти олимлари томонидан мазкур маданий мерос тарихи илмий асосда ўрганилиб, натижалар кўплаб ахборотномалар, каталоглар, илмий рисоалар ва ўқув дарсликларидан юртимиз тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири сифатида фойдаланилмоқда.

2004, 2008, 2010 йилларда Сармиш-

сой маданий меросини ўрганиш, асраш, бошқариш мавзусида Навобий ва Самарқанд шаҳарларида халқаро илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Уларда дунёнинг 30 дан ортиқ давлатларидан археолог олимлар иштирок этди. Сармишсой археологик ёдгорлиги 2010 йилда "ЮНЕСКО"нинг номзодлик рўйхатига олинди.

1999-2000 йилларда ЎзФА Самарқанд Давлат археология илмий-текшириш институти археолог М.Хўжаназаров раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар Кармана туманининг ёшени аниқлаш учун "Бурқуттепа"да тадқиқот ишларини олиб боришган. Қазимша чоғида миллиоддан аввалги I асрга оид хум ва кўплаб археологик ашёлар топилиб, вилот музейига келтирилган.

Кармана шаҳридан 30 км ғарбда Хазора қишлоғи ёнида Мовароуннаҳрдаги энг қадимий масжидлардан бири Деггароний (XI асрга тегишли) жойлашган. 2007 йил уни таъмирлаш жараёнида археологлар томонидан қазилма ишлари ҳам олиб борилиб, VI-VII асрларга оид сопол қўзлар ва қувача топилган ҳамда ноёб экспонат сифатида музейга келтирилган.

Д.Мустафоева, музей бўлим мудири

Театр ва болажонлар

Янгича ёндашув

Хоразм вилоти кўғирчоқ театри ижодий жамоаси бу гал болажонлар ҳузурига янги лойиҳа ва янгича ёндашув билан ташриф буюрмоқда.

Ёшлар тарбиясига миллий қадриятлар, миллий оҳанглар, миллий либосларни синдириш билан бирга уларни санъатга ошно этиш мақсадида вилот кўғирчоқ театри жамоаси Хива шаҳар МТТ билан тузилган шартнома асосида болалар боғчаларида янгича машғулотларни бошлаб юборишди. Театр режиссёрлари, расомлар, саҳна ишчилари, ба-стакорлар, соф ўзбек тилида, уларга тушунарли қилиб, миллий санъат ва мусикамиз борасида мулоқотлар уюштирмоқда. Зеро, бугун дунё бўйлаб интернет саҳифаларида, телекўрсатувларда оммавий маданиятга зид ғайритабиий, ғайринсоний кўринишлар на-

мойишидан ёшларимизни, болажонларни ҳимоялашда театрлар, айниқса, кўғирчоқ театрларининг ўрни гоятда муҳим. Ўзбек менталитети га ёт ҳар қандай унсурлар муаммоси фақат театр орқали, соф ўзбекона миллий мустиқий оҳангларга йўғрилган асарлар ҳамда спектакллар билан ўз ечимини топади. Лойиҳада театр бош расмони Ш.Яқубов фаоллик кўрсатиб, ўз чизгилари, эскизлари, болажонларга маҳорат дарсларини ўтмоқда. Бунда кичкинтойлар саҳна безаклари, жиҳоз ва атрибутлар, "Кўғирчоқ театри бурчаги"ни ўз қўллари билан ушлаб кўриб, хайратини билдирмоқда.

Кўғирчоқ усталари, туйофорлар, декораторлар қаҳрамонларнинг таъйирланиш, безалиш, ҳаракатланиш сирларини ўргатиб, ҳали тўлиқ тутатилмаган кўғирчоқларни болалар иштирокида ҳозирлаб, уларда завқ-шавқ билан бирга

театр санъатига қизиқиш ўйотмоқда.

Театрнинг бош режиссёри Г.Юсупова, саҳналаштирувчи режиссёр Р.Матниязова, театр ходими, Хоразм рақс санъати устаси Ю.Аллабергановлар Хива болалар шаҳарчасида саҳна маданияти, саҳна ҳаракатлари, ижро маҳорати, миллий рақс сирлари тўғрисида маҳорат дарсларини қатъий жадвал асосида ўтказишмоқда.

Лойиҳадан қўзланган мақсад болажонларда миллий оҳанг ва аъёнларга муҳаббат, қадриятларимизга ҳурмат, гурур уйғотишдир. Келгусида ёш ижодкорлардан етук режиссёрлар, драматурглар, расомлар, мусикашунослар етишиб чиқишдан умидвормиз.

Давлатназар Юсупов, Хоразм вилоти кўғирчоқ театри адабий бўлим раҳбари



Санъатим - саодатим

“Икки томон” айтишуви



Кувасой шахрида аҳолининг маданий дам олиши, бўш вақтини мазмунли ташкил этиб, хуш кайфият улашиш мақсадида маданият марказида фоалият олиб бораётган “Садо” миллий чолгулар халқ жамоаси раҳбари Л.Мамажонов, “Қўшчино” тожик фольклор-этнографик халқ жамоаси бадий раҳбари М.Мирзаевлар ташаббуси билан 7 январь куни хушовоз хонандалар Боқижон Холбоев ва Дилшоджон Турсуналиевлар ўртасида “Санъатим - саодатим” мавзусида “Икки томон” айтишуви ўтказилди. Унда шаҳардаги корхона ва ташкилотлар ходимлари, хонандаларнинг оила аъзолари, шоғирдлари ва санъат ихлосмандлари фаол иштирок этишди. Концерт дастурида Ўзбекистон халқ артистлари Шерали Жўраев, Шомаҳмуд Шораҳмедовларнинг қўшиқлари ёш хонандалар талқинида ижро этилди. Боқижон Холбоев ҳошишидаги “Дунё ўзи бир кам”, “Инсон ўзинг”, “Сенсан эй”, “Ав-


валгиларга ўхшамас” ва Дилшоджон Турсуналиев талқинидаги “Бўлолмас”, “Ошик”, “Лайли наҳор”, “Қурбон ўлам” қўшиқлари олқишлар билан қарши олинди. Шунингдек, кеча давомида “Замон-замон” қўшиғи иккала хонанда ижросида айтилиб, дастурга ўзгача фойз бағишлади. Бундай ноанъанавий тарзда ўтган концерт барчага манзур бўлди.

А.Комилов, Марказий маданият маркази бадий раҳбари

Зиёратгоҳ

Хар бир халқнинг дунёдаги мавқеи ва ўрнини кўрсатадиган ойнаси бу унинг алломалари ҳисобланади. Республикамиздаги барча вилоятлар каби Наманганда ҳам кўплаб қадамжолар, зиёратгоҳлар мавжудлиги ўз вақтида бу худуддан йирик алломалар етишиб чиққанидан далолат беради.

“Балиққли кўл”



Хусусан, вилоятнинг Чортоқ тумани алломалар макони бўлганини у ерда жойлашган азиз-авлиёлар зиёратгоҳлари мисолида кўришимиз мумкин. Кўпчиликка маълум, Чортоқ туманида “Балиққли кўл” зиёратгоҳи бор. Наманганга келган кимсаки, уни кўриб кетиш тақлифини билдиради.

2017 йил 7 июлда Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу вилоятта ташрифи чоғида “Балиққли кўл” зиёратгоҳининг шаркоҳона миллий услубда кўркам ва обод масканга айлантириш ишлари қандай кетаётгани билан танишиб, қурилиш юзасидан ўз тавсияларини берган эди.

2016 - 2019 йилларда Наманган вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан “Балиққли кўл” ва “Биби Наимаона” зиёратгоҳларида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Хозирга келиб, унинг асосида йирик мажмуа ташкил этилди. У масжид, мақбара, музей, кутубхона, меҳмонхоналарни ўз ичига олади.

Сув — ҳаёт манбаи дейилганидек, ушбу маскан ҳам зилол сувлари ила ён-атрофга ҳаёт бағишлаб, уни кўркам гўшага айлантирган ва бу чирой инсонларни ўзига жалб этиб келган.

“Балиққли кўл”ни сув билан таъминлаб турувчи манба бу сирли булоқлардир. Улардан ҳар дақиқада 140 литрга яқин сув отилиб чиқади ва вилоятнинг Чортоқ туманидаги сув омборига етиб келади.

Дарахтларнинг соя-салқини кўнгилларга ҳузур бағишласа, зиёратгоҳдаги булоқ суви чанқоқни босади, яна кучингизга куч қўшиб, руҳингизни тетиклаштиради. Бу масканга тез-тез ташриф буюриб, унинг тафтидан баҳра олган оксоқоллар сўзига кўра, булоқдан бир пиёла зилол сув ичган одам минг бир дардан фориғ бўларкан.

Мажмуа анча катта майдонни эгаллайди, кўл атрофидаги манзарани томоша қилар экансиз, нигоҳингиз албатта булоқ остида гала-гала бўлиб сузиб юрган балиққларга тушади. Уларнинг оқимдан чиқиб кетмаслиги ва ҳафтанинг ҳар жума кунлари йўқ

бўлиб қолиши мўъжизадир. Бунинг сабаби ҳамон сирлигича қолмоқда. Яна бир ғаройиб жиҳат шундаки, балиққлар сони кўпайиб ҳам, камайиб ҳам қолмайди. Шунга нисбат берилиб, қишлоқ номи “Балиққли кўл” деб аталган.

Мазкур зиёратгоҳ тарихи Султон Увайс Қароний номи билан боғлиқ. Бу киши ҳақидаги ривоят ва маълумотларга назар ташласак, Муҳаммад Хузайрининг “Нур ул-яқин”, Собит хожи Маккийнинг “Сийрати Хотамин Набийин” асарларида келтирилишича, 621 йилда Ямандаги Қаран қишлоғида Муродий қабиласининг чорвадор оиласида дунёга келгани ойдинлашади. Фариддин Аттор маълумотича, тўлиқ исми Суҳайл ибн Омир Қаранийдир. Аттор унинг исмини Суҳайл Яманий — Увайс Қараний дея таърифлаган.

Бир улўғ зотни кўрмай туриб, ундан руҳий таълим олган инсонни бузрук Увайс (хоқисор, камтар кимса) дейилади. Мазкур лақаб илк бора Пайғамбаримиз томонидан берилган эди. Бу ҳақда Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида батафсил ўтхталган.

У зотнинг “Султон” дейилишига сабаб — авлиёлар султони, аълоси бўлганлар. Чунки Пайғамбаримизнинг ўзлари у кишини “Тобейнлар яхшиси”

дея зикр қилганлар.

Ривоятларга кўра, Увайс қалбига Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг оташи тушди. Унда Расули Акрамнинг зиёрат қилиш орузи пайдо бўлади. Шундан сўнг Султон Увайс Мадинага боради, аммо Расули Акрам билан айрим сабабларга кўра учрашолмайди. Увайс уйига келган кунни туш кўради: унда Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.): “Эй Увайс, мен билан учрашмай кетибсан-да, сен энди онангни туяга миндириб, Турон сари йўл ол. Уша ерда Бўспи тоғи бор, унинг ён-бағирларида туя боқиш билан машғул бўл”, — дейди.

У эрталаб кўрган тушини онасига айтиб, Пайғамбаримизни (с.а.в) кўра олмасам-да, у кишининг айтганларига итоат айлаин, деб йўлга отланади. Кўп қийинчиликларни енгиб, кимсасиз сахро, кўқарган бир туп гиёҳ бўлмаган, томчи сув йўқ масканга етиб келишади.

Султон Увайснинг онаси йўл азобидан анча ҳолдан тойгани босис, шу жойда — Бўспи тоғи этакларида ҳаётдан кўз юмади. Кимсасиз сахронинг иссиқ кунида Увайс волидаси жасадини ювиш учун сув топполмайди. Шунда Аллоҳга: “Онам жасадини ювиш учун сув бергин!” — деб илтижо қилади. Аллоҳ буюради: “Хассанин ерга санчи”. Увайс кўлидаги ҳассасини ерга санчганида мўъжиза рўй бериб, қизиб турган туپроқдан сув отилиб чиқади. Онасини шу булоқ сувида ювиб, жасадини булоқ тепасига қўяди. Бу қабр хозиргача сақланиб қолган. Хозирда бу ердан Увайснинг оналари “Биби Наимаона” зиёратгоҳи жой олган, аҳоли тилида “Сутли булоқ” деб ҳам номланади. Ушбу сувдан ичган киши албатта сут таъмини туяди ва ҳар жума кунни маълум муддатда худди булоқдан оппоқ сут отилиб чиқиб оқаётгандек кўринади. Шунга нисбат қилиб, уни “Сутли булоқ” деб аташади.

Авлоддан авлодга ўтиб келаётган ота-боболар ривоятига кўра, Султон Увайс ҳаттоки онасининг қабрини ҳам ташлаб кетмаган. Шу ерда одамларнинг чорвасини боқиб, тирикчилик қилган. Кунларнинг бирида она қабридан икки қақиримча нарироқда, адирлар орасида дам олмақчи бўлади. Бироқ у жойда на сув, на дарахтлар бор эди. Шунда Аллоҳга илтижо қилиб, беш бармоғини ерга ургач, у ердан сув отилиб чиқиб, кўлига, юзларига сачрайди. Тез орада бу жой ҳам аҳоли орасида муқаддас қадамжо сифатида машҳур бўлади. Кейинчалик ўз васиятига кўра, уни шу ерга дафн этишади.

Увайс Қараний фақирона ҳаёт кечиради, турли илмлارни чуқур ўрганиб, авлиёлар даражасига етди. Манбаларда унинг 12 боблик “Тазкирот ул-ҳарб” (“Харбий санъат”) номли рисола ёзганлиги ҳам айтилган.

Унинг ҳақиқий қабри қаердалиги ҳақида ҳозир ҳам турли баҳслар мавжуд. Турли манбаларга кўра, Қараний қабрлари Суриянинг Сўфа, Сибон, Раққа шаҳарларида, Туркия, Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг Хоразм ва Наманган вилоятларида мавжуд. Шу боис бу инсон ҳаёти ва амали ҳавас қилиб, ибрат оلسа арзийдиган ажодларимиздан. Увайс Қараний ҳақида гап кетганда “талаш бўлган авлиё” дея таъриф ҳам берилади.

Юрт, ватан тарихини билиш ва бу жойлардаги авлиёлар қабрини обод этиб, зиёратгоҳга айлантириш, ушбу маконларда музейлар ташкил этиш каби ишлар истиқлолдан кейин йўлга қўйилди ва маънавий қадриятларни асраш, обод этиш аънаёнага айланди. Янги ташкил этилган мажмуа ҳам ҳар доим аҳоли билан гавжум. Ўз ўрнида мазкур зиёратгоҳларни Наманган вилоятининг муҳим туризм марказларидан бирига айлантириш сазй-ҳаракатлари жадал давом этмоқда.

Исомжон Каримов, Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи Тарих бўлими мудири Наманган давлат университети магистранти

14 январь - Ватан ҳимоячилари кун

“Лочинлар даврасида”



11 январь куни Хоразм вилоят кўзи оқизлар кутубхонаси Урганч шаҳар “Тулшан” маданият маркази билан ҳамкорликда Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан “Лочинлар даврасида” мавзусида тадбир ўтказди. Кеча давомида фаол ёш китобхонлар Ватан, тинчлик, осойишталик, дўстлик, ҳамжихатликни тараннум этувчи шеърлар, қўшиқлар ижро этиб, бир-бирдан қизиқарли шартларни бажариб, ўз чаққонликларини намойиш этишди. Байрамда “Тулшан” маданият маркази ҳаваскорлари томонидан ташкил этилган мусиқали дастур даврага янада кўтаринкилик бағишлади. Бундан ташқари, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими томонидан “Ватан — муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчидир” мавзусида китоб кўргазмаси ташкил этилди. Ушбу тадбир йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Хоразм вилоят кўзи оқизлар кутубхонаси методисти: Ф.Сайдназарова

Шароит ва имконият

Музейга нуронийлар ташрифи



13 январь куни Сурхондарё вилоят тарих ва маданият давлат музейига Самарқанд вилоятидан ташриф буюрган меҳмонлар — 80 ёшли Жалиқулота Ширинов ҳамда Гулҳаёна Шириновага музей бош мутахассиси Ф.Рўзиева экскурсия ўтказди. Ташриф буюрганларга Сурхон воҳаси тарихи, маданияти, урф-одатлари ва аънаёлари яқиндан таништирилди.

Улар воҳа тарихи ва маданияти ҳақида чуқур тасаввурга эга бўлишди. Шунингдек, бугунги кунда ёшларга яратиб берилаётган шарт-шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш борасида маслаҳатлар беришди.

Тадбир

Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати



Норин тумани маданият марказида “14 январь – Ватан ҳимоячилари куни” муносабати билан “Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати” мавзuida маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда туман ҳокими Д.Қодиров ҳам қатнашиб, ҳарбий хизматда

улкан ютуқларни қўлга киритган бир қатор ҳарбийлар ва фахрийларга эсдалик совғаларни топширди. Байрам муносабати билан маданият маркази қошидаги “Доира”, “Мақом” жамоалари, Нориннинг аскиячи йигитлари, “Нотиқлик санъати” тўғараги аъзо-

лари, “Тулдаста” ашула ва рақс ансамбли, тумандаги 3- ва 50-МТТ тарбияланувчилари жонли ижродаги концерт дастурларини намойиш этишди. Тадбирда туман мудофаа тизимидаги ҳарбийлар, тегишли ташкилотлар ходимлари ҳам қатнашишди.

Миллий армиямиз

Ёшлар учун матонат мактаби



11 январь куни Жиззах вилоят маданият бошқармаси тасарруфидаги Мирзаҷўл тумани 13-болалар муסיқа ва санъат мактабида Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг 28 йиллиги ва “Ватан ҳимоячилари куни”га бағишлаб “Миллий армиямиз ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактабидир!” шиори остида тадбир бўлиб ўтди. Унда “Бойчекчақ”, “Парвоз” ансамбллари, “Халқ чоғулар” камер оркестри, “Фортепиано”, “Академик хонандалик”, “Театр санъати”, “Тасвирий санъат” ва “Амалий санъат” йўналишлари ўқувчилари фаол қатнашишди.

Ғолиблар тақдирланди

Ҳарбийлар учун танлов



Ўзбекистон Республикаси Президенти илгари сурган бешта муҳим ташаббуснинг амалдаги ижросини таъминлаш юзасидан Самарқанд вилоят ҳокимлиги 2019 йил 27 ноябрда «2020 йилда вилоят ҳарбий-маъмурий сектор фаолиятини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» буйруқ чиқарди. Шу муносабат билан Каттақўрғон шаҳридаги 2-болалар муסיқа ва санъат мактабида фарзандлари ўқийдиган ҳарбийларнинг оила аъзолари ўртасида кўрик-танлов ташкил этилди. Тадбир кўтаринки руҳда ўтди. Танлов ғолибларига раҳбарият томонидан эсдалик совғалари улашилди.

Хотира абадий

Бутун умрини ўз касбига бахшида этган фидоий инсонлар ҳақида ҳар қанча ёзсанг, гапирсанг шунча кам. Улар босиб ўтган ҳаёт йўли, авлодларга қолдирган маънавий мероси қалбларда абадий яшайверади. Ана шундай инсонлардан бири Ҳабибахоним Охуновадир. Ўзининг қўшиқлари билан эл юрагидан ўрин олган бу ижодкор санъатидан баҳраманд бўлганлар ҳамон уни қўмсасди. Ёқимли, ширали овози қанчадан-қанча инсонларни ўзига ром этмаган дейсиз. Унинг “Кўнгил”, “Алла”, “Истақ”, “Най навоси”, “Шаҳлоларинг” каби қўшиқлари барчага бирдек манзур бўлган.



Қалбларда мангу яшаётган ўзбек қизи

Ҳабиба Охунова 1943 йил 10 январда Андижон вилоятининг Асака туманида таваллуд топган. Унда болалигиданок кўшиқ айтишга ҳавас уйғонган. Ёш истеъдод эгаси турли кўрик-танловларда қатнашиб, устозлар назарига тушади. Шундайлардан бири Ғулумжон Рўзиев эди. Ҳабибахонимнинг ёқимли овози, шўх лапарлари мохир бастакорни бефарқ қолдирмаган. Устоз ёш истеъдоддаги қизикшини доимо қўллаб-қувватлаб, уни ҳақиқий кўшиқчи сифатида тарбиялашга ҳаракат қилган. Ҳабиба бадиий ҳаваскорлар тўғарагига қатнашиб, эл эъзозига, ҳурматига эришди. Унга мактабдошлари “Булбулча” деб мурожаат қилишарди.

Қизалоқнинг кўнғироқдек овози кўпчиликини ҳайратга сола бошлади. Кейинроқ 7-синф ўқувчиси Асака шаҳар театрига тақлиф этилади. Халқ театрида фаол қатнашган Ҳабиба Охунова “Шаҳлоларинг” ашуласи билан машҳур бўлди. Мухлислар бу кўшиқни қайта-қайта айтишни илтимос қилишган. Бу мактаб ўқувчиси учун жуда катта шараф эди.

Ҳабиба Охунова 1959 йил ўрта мактабни битирган, ўшанда у Андижонда анча танилиб қолган эди. Ҳатто Аббос Бакировдек буюк санъаткорнинг ҳам назарига тушган. Энди у Йўлдош Охунбоев (ҳозирги А.Бакиров) номидаги Андижон вилоят муסיқали драма театрига ишга тақлиф этилади.

Ҳабибахоним 1959 – 1963 йилларда театрдa фаолият кўрсатиб, қатор роллар ўйнайди, гўзал ва бетакор кўшиқлар куйлайди. Унинг илк роли “Зарафшон қизи” даги Кумуш тимсолидир. Бу ҳам мухлислар томонидан олқишлар билан кутиб олинади. Натيجада унга янгидан-янг роллар топширилади. Масалан, “Ватан ишқи” да – Зулфия, “Тошболта ошиқ” да – Каромат, “Нодира” спектаклида – Ойпарча ролларини қойилмақом ўйнаб, устозлар ишончини, томошабинлар меҳрини қозонади.

1963 йил Ҳабиба Охунова Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят театрига ишга келади. Ўнлаб устоз санъаткорларни тарбиялаган мазкур гўша Ҳабибанинг камол топишида ҳақиқий кутлуг маскан бўлди. У кўнғироқдек овози билан кўллаб шинавандалар орттирди.

Серқирра ижодкор кўшиқ мухлислари дидини зийраклик билан кузатиб, уларга завқ-шавқ бағишлайдиган шиддаткор, ёқимли, баланд пар-

даларда ҳам қийналмай куйлай оладиган ижрочи бўлиб етишди. Ҳар бир янги ижод намунаси уни парвозларга ундади ва халққа манзур бўладиган, юрагидан жой оладиган кўшиқлар яратишга ошиқди. Бу йўлда ҳеч нарсадан чўчимайди. Ҳабиба Охунованинг яна бир бахти шундаки, у Наманган театрида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Каримжон Мансуровдек таникли бастакор тарбиясини олди. Тинмай меҳнат қилди, изланди, машғулотлардан толмади, устоз яратган ашулаларни ўрганиб, маромига етказиб ижро этди.

Ҳабибахон ўзбек миллий ижро йўлининг янги мактабини очган санъаткордир. Яхши ҳофиза аёлларимиз кўп. Лекин унга етадигани жуда кам. Санъоримиз бастакорлар Ф.Содиқов, К.Мансуров, Э.Холмировлар басталаган Саида Зунуннованинг “Барно йигит”, С.Қориевнинг “Найнинг навоси”, А.Пўлатнинг “Наманган”, “Она юртим”, «Кўрмаган бўлсам сени», Х.Азимийнинг “Кўнгил”, Д.Файзийнинг “Сабо билан”, С.Ҳасанованинг “Ошнолигинг”, “Одоб билан” каби қўшиқларини жуда чиройли куйлаган. Унинг ижросидаги М.Қориев ва К.Мансуровларнинг “Алла” қўшиғини ҳеч бир инсон бефарқ тинглай олмас керак. Бу кўшиқ инсон қалбининг энг нозик тўғуларини тугенга, жунбушга келтиради.

Ўзбек муסיқали драма санъати драматургия, муסיқа ва театрининг бир мақсад йўлида уюшув, бир-бирини тўлдирришдан ҳосил бўлган кўп тармоқли соҳа ҳисобланади. Моҳирона сахнавий хатти-ҳаракат тўфайли икки йирик манба – муסיқа ва драма бириккиб, яхлитликини ташкил этади, уйғунлашиб, драматург билан бастакор қўзлаган гоъвий ҳамада бадиий мақсадлар амалга ошади. Бу йўналиш санъаткордан катта истеъдод талаб этади. Эл эътирофига сазовор бўлиш ҳаммага ҳам nasib этавермайди. Бундай бахтга эришган санъаткорлар бармоқ билан санарди... Шулардан бири Ҳабибахоним Охунова эди. У ижро этган Ш.Саъдулла, Ш.Ҳасанов ва З.Шокировларнинг «Эрилтеш» муסיқали эртагида – Гулнора, Р.Орифонов ва Ф.Назаровнинг «Алданган қўз» муסיқали драмасида – Юлдуз, М.Каримнинг «Ой тўзилган тунда» трагедиясида – Зубаржад, З.Фатхуллин ва Б.Собировнинг «Ёшлиқда берган кўнгил» лирик драмасидаги – Азиззоҳ, Х.Исмолов, Ж.Тешабоев ва К.Мансуровларнинг «Миллионернинг

ўғли» муסיқали комедиясидаги – Шакар, А.Тожибоев, К.Мансуровнинг «Тўй арафасида» муסיқали комедиясида – Ойбола, К.Яшин, Т.Жалиловнинг «Нурхон» муסיқали драмасида – Нурхон, У.Исмоилов ва Ш.Отажоновнинг «Рустам» муסיқали драмасида – Қиммат, А.Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» асари асосида Ё.Мирзо ва С.Жалилнинг «Анвар ила Раъно» муסיқали драмасида – Раъно, Ш.Хуршид, Глиэр ва Т.Содиқовларнинг «Лайли ва Мажнун» муסיқали драмасида – Лайли, Н.Бобоҳўжаевнинг “Ўзинг кўзим нури” драмасида – Мунаввар, М.Хайруллаевнинг “Кетар жафоси» комедиясида – Меҳри, А.Турсуннинг “Унутилмас кунлар” драмасида – Рисолат, Т.Раҳимова, М.Юсуповнинг “Қайчи кудалар» муסיқали комедиясида – Санобар сингари юзлаб тимсоллари ўзбек театр санъатининг улмас дурдоналаридир.

Актриса фақат миллий эмас, балки чет эл драматурглари асарларида ҳам аjoyиб роллар яратган. Шекспирнинг “Ҳамлет” спектаклида – Офелия, “Отелло” да – Дездемона, Соҳибжамолнинг “Тулсиёҳ”ида – Амал, Шиллернинг “Қароқчилар” асарида – Амалия, В.Канделакиннинг “Вахт-24 соат” драмасида – Дино Васнадзе, А.Зайниддинов, Ж.Асомиддинов, К.Маждидов ва Д.Соатқуловларнинг “Бир қизта минг ошиқ» муסיқали драмасида – Лоҳи, Соҳиб Жамол, М.Махмудовнинг “Синдирилган кўза» муסיқали драмасида – Омина, Урдибоду ва С.Рустамнинг “Беш сўмлик келин” асарида – Танноз ва бошқа кўллаб роллари унинг ижро имконияти нақадар юксаклигини кўрсатди.

Ўзбек театр ва муסיқа санъатида ўз ижро мактабини яратиб, эл хизматига ҳамisha камарбаста бўлган Ҳабибахоним Охунова 1972 йил “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, 1975 йил “Ўзбекистон халқ артисти” унвонлари берилган.

Бетакор актриса ва аjoyиб хонанда Ҳабиба Охунова 1994 йил 10 сентябрда оғир касалликдан вафот этади.

У ўз бахтини санъатдан топган инсонлардан бири эди. Ноёб истеъдоди орқали элга танилиб, обрў-эътибор қозонган бу ўзбек қизи билган ва яқиндан таниганлар қалбига мангу ашайди.

Гўзалхон Валиева, Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи катта илмий ходими

МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги,
«Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир
Дилбаҳор Худойбердиева
Тахририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Тахририятга келган қўлэмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асослар муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқлиниши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содиқова
Адади - 8386 Буюртма - Г - 127
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Қорхона манзили:
Тўшкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.
Босмаҳонага топшириш вақти - 23.00
Топширилди - 23.00
1 2 3 4 5 6